ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.FM.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

НАРЗИЛЛАЕВ НУРБЕК ХАМРОҚУЛОВИЧ

ВАЗНЛИ ГРИН ФУНКЦИЯСИ

01.01.01 – Математик анализ

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

УДК: 517.17

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical-mathematical sciences

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.FM.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

НАРЗИЛЛАЕВ НУРБЕК ХАМРОҚУЛОВИЧ

ВАЗНЛИ ГРИН ФУНКЦИЯСИ

01.01.01 – Математик анализ

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.4.PhD/FM428 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (http://ik-fizmat.nuu.uz/) ва «ZiyoNet» м ахборот тармоғида (http://www.ziyonet.uz/) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Садуллаев Азимбай** физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Ганиходжаев Расул Набиевич** физика-математика фанлари доктори, профессор
	Шарипов Расулбек Ахмедович физика-математика фанлари фалсафа доктори (PhD)
Етакчи ташкилот:	**Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.FM.01.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «23» 08 соат 11[00] даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+998 71) 227 12 24, факс: (+998 71) 246 53 21, e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (93 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+998 71) 246 02 24).

Диссертация автореферати 2022 йил «9» 08 куни тарқатилди.

(2022 йил «9» 08 даги 2 рақамли реестр баённомаси).

Б.А.Шоимкулов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси ўринбосари,
ф.-м.ф.д., профессор

Н.К.Мамадалиев
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби,
ф.-м.ф.ф.д. (PhD)

Р.Н.Ганиходжаев
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар
раиси, ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий амалий тадқиқотлар аксарият ҳолларда плюрипотенциаллар назарияси масалаларига келтирилади. Плюрипотенциаллар назариясида экстремал функциялардаги масалалар биофизика, биотехнология, тиббиёт ҳамда ишлаб чиқариш каби соҳаларнинг тадқиқот объектидир. Кўп ўзгарувчили комплекс фазода плюрипотенциаллар назарияси плюрисубгармоник функциялар синфида қурилиб, комплекс динамик системалар ва функциялар назариясидаги масалаларни ҳал қилишда муҳим рол ўйнайди. Бу назариянинг асосий тушунчалари плюрисубгармоник ўлчов, максимал функция, Грин функцияси, сиғим кабилар классик потенциаллар назарияси тушунчалари каби аниқланади, лекин уларни ўрганиш услублари кўп ўзгарувчили комплекс фазодасининг мураккаб тузилиши туфайли тубдан фарқ қилади ва замонавий математикада долзарб масалаларни ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда кўп ўзгарувчили комплекс фазода вазнли экстремал Грин функцияси билан боғлиқ масалаларни ечиш ва уларни тадбиқ қилиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу масалаларнинг ечими плюрипотенциаллар назариясининг усуллари орқали ўз ечимини топиб, уларни амалий масалаларни ечишга йўналтирилган кенг қамровли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Экстремал плюрисубгармоник функциялар ёрдамида комплекс динамик системалар ва функциялар назариясидаги долзарб масалаларни ҳал этишда фойдаланилади. Бунда вазнли экстремал плюрисубгармоник функциялар ва уларнинг хоссалари ёрдамида кўплаб янги илмий натижалар олиш ва уларни функциялар назариясининг долзарб муаммоларини ечишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда, айниқса, кейинги йилларда фундаментал фанлар, жумладан, тиббиёт ва томография масалаларида илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган долзарб йўналишларга эътибор кучайди. Жумладан, охирги йилларда плюрипотенциаллар назарияси, кўп ўлчовли комплекс анализ, аппроксимацион назария ва комплекс динамик системалар назариясига алоҳида эътибор қаратилди. Буларнинг ҳаммаси қаралаётган масалаларнинг долзарблиги ва зарурлигини кўрсатади. Бугунги кунда вазнли Грин функцияларини тадқиқ қилишда муҳим натижаларга эришилди. «Ҳақиқий ўзгарувчили функциялар назарияси, Комплекс ўзгарувчили функциялар назарияси»[1] фанларинингустивор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш математика фанининг асосий вазифалар ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди. Қарор ижросини таъминлашда вазнли Грин функциялари ва плюрипотенциаллар назариясини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2017 йил 17 февралдаги

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси 2017 йил 18 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 292-сонли қарори.

«Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2789-сонли Қарори ва 2020 йил 7 майдаги «Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4708-сонли Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.

1972-1982 йиллар давомида плюрипотенциаллар назариясини яратишга қаратилган тадқиқотлар жадал олиб борилди: назариянинг асосий обектлари, масалан, плюригармоник функциялар, плюрисубгармоник функциялар, экстремал плюрисубгармоник функциялар, максимал функциялар, Монже-Ампер тенгламаси, Монже-Ампер оператори, плюрисубгармоник ўлчов, плюриполяр тўпламлар, сийрак тўпламлар, псевдоқавариқ тўпламлар, сиғим катталиклари ва бошқалар киритилди ва ўрганилди. Энг муҳими, бу тадқиқотлар кўп комплекс ўзгарувчили функциялар назариясида ва комплекс динамик системаларда тўпланган турли муаммоларни ҳал қилишда муваффақиятли қўлланилди.

Плюрисубгармоник функциялар синфига асосланган плюрипотенциаллар назарияси АҚШ, Германия, Туркия, Полша, Швеция, Франция, Россия ва Ўзбекистонлик бир қатор олимлар томонидан, жумладан, Э.Бедфорд, Б.А.Тайлор, Н.Левенберг, Т.Блум, М.Климек, П.Лелон, А.Садуллаев, Э.Б.Сафф, В.Тотик, Й.Сичак, А.Зериахи, В.П.Захарюта, М.А.Алан ва бошқалар томонидан чуқур ўрганилган. $m-$субгармоник функциялар синфида потенциаллар назарияси янги йўналиш бўлиб, бу соҳа бўйича асосан Франция, Польша, Ўзбекистон олимлари илмий изланишлар олиб боришади (Х.Ч.Лу, З.Блоцкий, С. Колодзей, С. Динев, А. Садуллаев, Б. Абдуллаев ва бошқалар).

Й. Сичак (Польша), Н. Левенберг (АҚШ), Т. Блум (Канада) каби математиклар томонидан қаралган вазнли экстремал функциялар Франциялик олим А. Зериаҳи томонидан параболик кўпҳилликларга умумлаштирилди. Кўп ўзгарувчили проектив фазосидаги квазиплюрисубгармоник функциялар синфида вазнли функциялар А. Садуллаев томонидан ҳам тадқиқ қилинган. Маълумки, m-субгармоник функциялар синфи потенциаллар назариясида умумий синф бўлиб, $m=n$ да у плюрисубгармоник функциялар синфи билан $m=1$ бўлган ҳолда эса субгармоник функциялар синфи билан устма-уст тушади. Бу синфда потенциаллар назарияси дастлаб З.Блоцкий, А.Садуллаев, Б.Абдуллаевлар томонидан қурилган. Бу борада кейинчалик бир қатор олимлар жумладан Х.Ч.Лу, С. Колодзей, С. Диневлар томонидан изчил тадқиқотлар олиб борилди. Бу олимлар томонидан кучли m-субгармоник функциялар ва m-субгармоник функцияларнинг турли таърифлари солиштирилиб натижада бу икки функциялар синфи бир бирини ўз ичига олмаслиги исботланган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Ўзбекистон Миллий университетининг УТ-ОТ-2020-1 рақамли «Монже-Ампер тенгламаси ва экстремал плюрисубгармоник функциялар» номли илмий лойиҳаси доирасида амалга оширилди.

Тадқиқотнинг мақсади тўпламларнинг регулярлик структураларини экстремал плюрисубгармоник ва m-субгармоник функциялар ёрдамида характерлашга оид масалаларини ечишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат.

$\psi -$ плюрисубгармоник ўлчовни аниқлаш ва бу ўлчовни регулярлигини характерлайдиган янги хоссаларини исботлаш;

δ-экстремал функция $V\left(z,K,\delta,\psi\right)$ ни ўрганиш ва регуляр компакт тўпламлар учун $V^*\left(z,K,\delta,\psi\right)$ функциянинг узлуксизлигини исботлаш;

турли хил δ лар учун компакт тўпламнинг регулярлик структураларини умумий картинасини кўрсатиш;

вазнли δ-экстремал функция $V\left(z,K,\delta,\psi\right)$ ва тўпламнинг сийраклиги орасидаги боғланишни ўрнатиш;

$m-$поляр ва $mw-$поляр тўпламларнинг мос равишда $\mathcal{L}_m -$ ва $\mathcal{L}_{mw} -$ поляр тўпламлар билан эквивалентлигини исботлаш;

$V_m^*\left(z,F,\psi\right)$ ва $V_m^*\left(z,F,\delta,\psi\right)$ вазнли Грин функцияларини аниқлаш ва уларнинг асосий хоссаларини исботлаш;

вазнли $\left(m,\delta\right)$-экстремал функция $V_m\left(z,K,\delta,\psi\right)$ ва тўпламнинг m-сийраклиги орасидаги боғланишни ўрнатиш.

Тадқиқотнинг объекти. Плюрисубгармоник функциялар, $m-$ субгармоник функциялар, суст $m-$субгармоник функциялар, Грин функцияси, Вазнли Грин функцияси, δ-экстремал функция.

Тадқиқотнинг предмети. Турли хил δ лар учун регуляр компакт тўпламининг топологик ва метрик структураларини ўрганиш.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида классик потенциаллар назарияси ва плюрипотенциаллар назарияси усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат

берилган тўплам регуляр бўлганда унинг вазнли плюрисубгармоник ўлчови бутун фазода узлуксиз бўлиши исботланган;

делта экстремал функция аниқланган ва регуляр компакт тўпламлар учун делта экстремал функциянинг узлуксизлиги исботланган;

турли хил делталар учун компакт тўпламнинг регулярлик структураларини умумий таҳлили кўрсатилган;

вазнли делта экстремал функция ва тўплам сийраклиги орасидаги боғланиши ҳақидаги теорема исботланган;

m-субгармоник функциялар синфида вазнли экстремал функция ва делта экстремал функциялари аниқланган ва вазн функцияси узлуксиз бўлган ҳолда вазнли экстремал функция ва делта экстремал функцияларнинг узлуксиз бўлиши исботланган;

вазн функцияси узлуксиз бўлган ҳолда тўпламнинг локал делта регулярлиги билан локал регулярлиги эквивалент эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Делта экстремал функциянинг исботланган хоссаларини комплекс динамик системаларда тўла Жулиа тўпламини регулярлигини исботлашда қўлланилган.

кўп комплекс ўзгарувчили функциялар назариясида кўп ўзгарувчили голоморф фукцияларни голоморф давом эттиришда қўлланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги математик-физика, классик потенциаллар назарияси, плюрипотенциаллар назарияси ва кўп комплекс ўзгарувчили функциялар назариясининг маълум усулларидан фойдаланилганлиги ва делта экстремал функциянинг плюрисубгармоник функциялар синфида ва m-субгармоник функциялар синфида ўрганилганлиги ва олинган натижаларнинг қатъий математик исботи билан берилганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти плюрисубгармоник функциялар ва $m-$ субгармоник функциялар синфида киритилган вазнли Грин функцияси классик Грин функциясининг умумлашмаси бўлиб, маълум бир турдаги вазнларда классик Грин функциянинг хоссаларидан фарқли хоссаларга эгалиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти математик физика, кўп комплекс ўзгарувчили функциялар назарияси ва комплекс динамик системаларда турли хил масалаларни ечишда тадбиқ қилишда асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кўп ўзгарувчили комплекс фазосида вазнли экстремал функциялар бўйича олинган натижалар асосида:

плюсубгармоник функциялар синфида аниқланган вазнли Грин функциянинг хоссаларидан Ўзбекистон Миллий университетининг ОТ-Ф4-(37+29) рақамли «A-аналитик функцияларнинг функционал хоссалари ва уларнинг тадбиқлари. Матрицавий соҳаларда комплекс анализнинг баъзи масалалари» номли грантида A-аналитик функцияларнинг функционал хоссаларини исботлашда фойдаланилган. (Ўзбекистон Миллий университетининг 2021 йил 5 ноябрдаги 04/11-7066 рақамли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши A-аналитик функцияларнинг функционал хоссаларини исботлашда аниқ усул топиш имконини берган.

m-субгармоник функциялар синфида аниқланган вазнли m-Грин функциянинг хоосаларидан ЎзР ФА Хоразм Маъмун академиясининг ФА-Ф-4-002 рақамли «m-субгармоник функциялар ва уларнинг калибрланган геометрияга тадбиқлари» номли грантида m-субгармоник функциялар синфида потенциаллар назариясини қуришда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2021 йил 17 ноябрдаги 2/1255-3200 рақамли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши m-субгармоник функциялар синфида потенциаллар назариясини қуриш учун керак бўладиган асосий теоремаларни исботлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 9 та илмий анжуманларда, жумладан 4 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 1 таси хорижий ва 5 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 89 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «$\mathbb{C}^n$ **фазосида вазнли Грин функцияси**» деб номланувчи биринчи боби олтита параграфдан иборат. Диссертациянинг ушбу бобида плюрипотенциаллар назариясининг зарур тушунчалари ва ёрдамчи натижалари келтирилган. Бу бобда плюрисубгармоник функцияларнинг ва Грин функциясининг асосий хоссалари келтирилган. Бундан ташқари, $m-$ субгармоник функцияларнинг таърифи ва унинг бир қатор асосий хоссаларини келтирдик. Биринчи бобнинг охирги 1.5 ва 1.6 бўлимлари Комплекс динамик системаларида тадбиқи бордиги учун муҳим саналади. Биринчи бобнинг 1.1 ва 1.2 бўлимларида келтирилган тушунча ва тасдиқлар умумий тушунчалар бўлиб биз уни А.Садуллаев, Дж.Демайи, Е. Чирка, Б. Шабат монографияларидан келтирдик, 1.3 ва 1.4 бўлимлардаги натижалар эса Б. Абдуллаев мақолаларидан келтирдик. Бироқ, 1.5 ва 1.6 бўлимлардаги натижалар янги бўлиб бу натижалар диссертант Н.Нарзиллаевнинг ва К.Кулдошевнинг маколаларидан келтирилган.

Таъриф 1.1. Агар $u(z): D \to \left[-\infty, +\infty\right)$ функция қуйидаги икта шартни

1) $u(z)$ функция D соҳада юқоридан ярим узлуксиз яъни, $\overline{\lim_{z \to z^0}} u(z) \le u\left(z^0\right),\ z^0 \in D$;

2) ихтиёрий $l: z = z^0 + w\xi,\ w \in \mathbb{C}^n, \xi \in \mathbb{C},$ комплекс тўғри чизиқ учун $u\Big|_l = u\left(z^0 + w\xi\right)$ функция $l \bigcap D$ да субгармоник;

қаноатлантирса, у ҳолда бу функция D соҳада плюрисубгармоник функция деб аталади.

Маълумки, $u(z) \in psh\left(\mathbb{C}^n\right)$ функция учун шундай C_u сон тоапилиб

$$u(z) \le C_u + \ln^+\left|z\right|,\ \ z \in \mathbb{C}^n,$$

тенгсизлик ўринли бўлса, у ҳолда бу функция ўсиши логарифмик бўлган функция дейилади. Бу ерда $\ln^+\left|z\right| = \max\left\{\ln\left|z\right|, 0\right\}$. барча шундай функциялар синфини $\mathcal{L}$ билан белгилаймиз. Шунингдек $\mathcal{L}^+$ билан қуйидаги

$$\mathcal{L}^+ := \left\{u(z) \in psh\left(\mathbb{C}^n\right), c_u + \ln^+\left|z\right| \le u(z) \le C_u + \ln^+\left|z\right|\right\}$$

синфни белгилаймиз.

Тайинланган $K \subset \mathbb{C}^n$ компакт тўплам учун қуйидаги

$$V\left(z, K\right) = \sup\left\{u(z) : u(z) \in \mathcal{L},\ u(z)\Big|_K \le 0\right\}$$

функцияни қараймиз.

У ҳолда қуйидаги регуляризацияланган

$$V^*\left(z, K\right) = \overline{\lim_{w \to z}} V\left(w, K\right)$$

функция, K компактнинг *Грин функцияси* дейилади.

Таъриф 1.6. Агар $V^*\left(z^0, K\right) = 0$ бўлса, у ҳолда $K \subset \mathbb{C}^n$ компакт $z_0 \in K$ нуқтада *глобал плюрирегуляр* дейилади. Агар ихтиёрий $B\left(z^0, r\right), r > 0$ шар учун $V^*\left(z^0, K \cap B\left(z^0, r\right)\right) = 0$ бўлса, у ҳолда $K \subset \mathbb{C}^n$ компакт $z_0 \in K$ нуқтада *локал плюрирегуляр* дейилади. K компакт ҳар бир нуқтасида глобал плюрирегуляр бўлса, у ҳолда K *глобал плюрирегуляр* компакт дейилади. K компакт ҳар бир нуқтасида локал плюрирегуляр бўлса, у ҳолда K *локал плюрирегуляр* компакт дейилади.

Таъриф 1.8. Агар $u \in L^1_{loc}(D)$ функция қуйидаги икта

1) $u(z)$ функция D соҳада юқоридан ярим узлуксиз яъни, $\overline{\lim_{z \to z^0}} u(z) \le u\left(z^0\right),\ z^0 \in D$;

2) ихтиёрий икки марта дифференциалланувчи $v_1,\dots,v_{m-1}\in sh_m(D)$ функциялар учун қуйидагича аниқланувчи

$$\left[dd^c u\wedge dd^c v_1\wedge\dots\wedge dd^c v_{m-1}\wedge\beta^{n-m}\right](\omega)=$$
$$=\int\limits_{\omega\in F^{0,0}} udd^c v_1\wedge\dots\wedge dd^c v_{m-1}\wedge\beta^{n-m}\wedge dd^c\omega,\ \omega\in F^{0,0},$$

$dd^c u\wedge dd^c v_1\wedge\dots\wedge dd^c v_{m-1}\wedge\beta^{n-m}$ оқим мусбат аниқланган;

шартни қаноатлантирса, у ҳолда бу функция D соҳада $m-$*субгармоник* функция деб аталади.

Айтайлик, $K\subset\mathbb{C}^n$ компактда $\psi(z)$ чегараланган функция берилган бўлсин.

Қуйидаги функциялар синфини қарайлик

$$\mathcal{L}\left(K,\psi\right):=\left\{u(z)\in\mathcal{L},\,u(z)\Big|_K\le\psi(z)\right\}$$

ва $V\left(z,K,\psi\right):=\sup\left\{u(z):u(z)\in\mathcal{L}\left(K,\psi\right)\right\},\ z\in\mathbb{C}^n$ бўлсин.

У ҳолда $V^*\left(z,K,\psi\right)=\overline{\lim_{w\to z}}V\left(w,K,\psi\right)$ функция K компактнинг $\psi(z)$ га нисбатан *вазнли Грин функцияси* деб аталади. Шуни таъкидлаш керакки, $\psi(z)\equiv0$ бўлса, $V^*\left(z,K,\psi\right)$ функция $V^*\left(z,K\right)$ Грин функцияси билан устма-уст тушади яъни $V^*\left(z,K,0\right)\equiv V^*\left(z,K,\psi\right)$.

Маълумки, ихтиёрий $K\subset\mathbb{C}^n$ компакт тўплам учун қуйидаги

$$V^*\left(z,K\right)+\inf_{z\in K}\psi(z)\le V^*\left(z,K,\psi\right)\le V^*\left(z,K\right)+\sup_{z\in K}\psi(z)\qquad(1.3)$$

тенгсизлик ўринли бўлади.

Агар $\psi(z)$ функция бутун $\mathbb{C}^n$ фазога $\mathcal{L}$ синфга тегишли бўлган ҳолда давом этса, яъни агар

$$\exists\,\Psi\in\mathcal{L}:\ \Psi\,|_K\equiv\psi,\qquad(1.4)$$

у ҳолда, равшанки, $V\left(z,K,\psi\right)\ge\Psi(z)$ ва

$$V\left(z,K,\psi\right)=\psi(z)\quad\forall z\in K.\qquad(1.5)$$

Бироқ, агар (1.4) шарт бажарилмаса, у ҳолда умуман айтганда (1.5) ўринли эмас.

Мисол 1.1. Айтайлик $K=\left\{\left|z\right|\le1\right\}\subset\mathbb{C}$ *ва* $\psi(z)=1-\left|z\right|^2$ бўлсин. У ҳолда максимум принцпига кўра

$$V\left(z,K,\psi\right)=V\left(z,K,0\right)=V\left(z,K\right)=\ln^+\left|z\right|.$$

Натижада, $V\left(z,K,\psi\right)=0<\psi(z)\ \ \forall\left|z\right|<1.$

Юқоридаги мисолдан кўринадики регулярлик тушунчасини киритиш учун Грин функцияси (1.5) шартни бажаради деб фараз қиламиз.

Таъриф 1.13. Агар $V^*\left(z^0,K,\psi\right)=\psi\left(z^0\right)$. бўлса, у ҳолда $K\subset\mathbb{C}^n$ компакт $z_0\in K$ нуқтада *глобал ψ-регуляр* дейилади. Агар ихтиёрий $B\left(z^0,r\right), r>0$ шар учун $V^*\left(z^0,K\cap B\left(z^0,r\right)\right)=0$ бўлса, у ҳолда $K\subset\mathbb{C}^n$ компакт $z_0\in K$ нуқтада *локал ψ-регуляр* дейилади.

Қуйидаги теоремада турли хил вазн функциялар учун локал регулярлик ҳақида гап кетади.

Теорема 1.4. *Агар K – компакт тўплам ва вазн функция $\psi(z)\in C\left(K\right)$ бўлса, у ҳолда K тўплам $z^0\in K$ нуқтада локал ψ-регуляр бўлиши учун унинг z^0 нуқтада локал плюрирегуляр ($\psi\equiv 0$ бўлган ҳол) бўлиши зарур ва етарли.*

Айтайлик $D\subset\mathbb{C}^n$ – чегараланган регуляр соҳа, $E\subset D$ – ихтиёрий тўплам ва $\psi(z)$ – D соҳада қатъий манфий плюрисубгармоник функция бўлсин.

$$\mathcal{U}\left(E,D,\psi\right)=\left\{u(z)\in psh(D):u(z)\Big|_E\le\psi(z),\, u(z)\Big|_D<0\right\}$$

ва

$$\omega\left(z,E,D,\psi\right)=\sup\left\{u(z):u(z)\in\mathcal{U}\left(E,D,\psi\right)\right\},$$

$$\omega^*\left(z,E,D,\psi\right)=\overline{\lim_{w\to z}}\,\omega\left(w,E,D,\psi\right)$$

деб оламиз.

Таъриф 1.14. $\omega^*\left(z,E,D,\psi\right)$ функция E тўпламнинг D соҳага нисбатан *ψ-плюрисубгармоник ўлчови* дейилади.

Қайд этиш керакки, $\omega^*\left(z,E,D,-1\right)$ функция плюрипотенциаллар назариясидаги машҳур гармоник ўлчов билан устма-уст тушади, яъни $\omega^*\left(z,E,D,-1\right)=\omega^*\left(z,E,D\right)$.

Теорема 1.5. *Айтайлик $\psi\in C(K)$ ва $z^0\in K\subset D$ бўлсин. z^0 нуқта фақат ва фақат $\omega^*\left(z,K,D\right)$ $\mathcal{P}$ – ўлчовга нисбатан локал регуляр бўлгандагина локал ψ-регуляр бўлади.*

Теорема 1.6. *Фараз қилайлик K — ψ-регуляр компакт ва $\psi(z)$ функция K да узлуксиз бўлсин. У ҳолда $\omega^*\left(z,K,D,\psi\right)\equiv\omega\left(z,K,D,\psi\right)\in C\left(\bar{D}\right)$ бўлади.*

Диссертациянинг «$\mathbb{C}^n$ **фазода δ-экстремал функция**» деб номланган иккинчи боби учта параграфдан иборат. Ушбу бобда $V\left(z,K,\delta,\psi\right)$ δ-экстремал функция тадқиқ қилинган.

$V\left(z,K,\psi\right)$ Грин вазн функцияси, худди экстремал функция каби, $\mathcal{L}:=\left\{u(z)\in psh\left(\mathbb{C}^n\right):u(z)\le C_u+\ln^+\left|z\right|,\, z\in\mathbb{C}^n\right\}$ Лелон синфи ёрдамида аниқланади (§ 1.4). Қуйида биз, агар экстремал функцияни

$\mathcal{L}^{\delta}:=\left\{u(z)\in psh\left(\mathbb{C}^n\right): u(z)\le C_u+\delta\ln^{+}\left|z\right|,\, z\in\mathbb{C}^n\right\},\ \ \delta>0$ синфдан фойдаланиб аниқланилса, унда биз δ-экстремал функция $V\left(z,K,\delta,\psi\right)$ деб номланувчи ва $V\left(z,K,\psi\right)$ функциядан мутлақо фарқ қилувчи бошқа функцияни ҳосил қиламиз. Биринчи бўлиб М. Алан томонидан пайқалган ушбу феномен бизни $V\left(z,K,\delta,\psi\right)$ δ-экстремал функциянинг табиатини батафсил очиш томон етаклади.

Айтайлик $K\subset\mathbb{C}^n$ – компакт ва $\psi(z)$ – K да аниқланган бирор чегараланган функция бўлсин. Қуйидаги Лелон синфининг умумлашмасини қарайми

$$\mathcal{L}^{\delta}:=\left\{u(z)\in psh\left(\mathbb{C}^n\right): u(z)\le C_u+\delta\ln^{+}\left|z\right|,\, z\in\mathbb{C}^n\right\},\, \delta>0.$$

Равшанки, $\mathcal{L}^1=\mathcal{L}$ ва агар $v(z)\in\mathcal{L}$ бўлса, унда $c\cdot v(z)\in\mathcal{L}^{\delta}$ бўлади, бунда $0<c\le\delta$. Қуйидаги белгилашни киритамиз

$$\mathcal{L}^{\delta}\left(K,\psi\right):=\left\{u(z)\in\mathcal{L}^{\delta},\, u(z)\Big|_K\le\psi(z)\right\}$$

Таъриф 2.1. $V^*\left(z,K,\delta,\psi\right)=\overline{\lim_{w\to z}}V\left(w,K,\delta,\psi\right)$ функцияга K нинг $\psi(z)$ вазнли *δ-экстремал функцияси дейилади,* бу ерда

$$V\left(z,K,\delta,\psi\right):=\sup\left\{u(z): u(z)\in\mathcal{L}^{\delta}\left(K,\psi\right)\right\},\, z\in\mathbb{C}^n.$$

Таъриф 2.2. Агар $V^*\left(z^0,K,\delta,\psi\right)=\psi\left(z^0\right)$ бўлса, у ҳолда K компакт z^0 нуқтада *глобал (δ,ψ)-регуляр* дейилади. Агарда ихтиёрий $B\left(z^0,r\right), r>0$ шар учун $V^*\left(z^0,K\cap B\left(z^0,r\right),\delta,\psi\right)=\psi\left(z^0\right)$ бўлса, у ҳолда K компакт z^0 нуқтада *локал (δ,ψ)-регуляр* дейилади.

Теорема 2.1. Айтайлик K *– компакт тўплам ва вазн функция $\psi(z)$, K тўпламда $\psi(z)\in C(K)$, $V\left(z,K,\delta,\psi\right)=\psi(z)\ \ \forall z\in K$ шартни бажарсин. у ҳолда K тўплам $z^0\in K$ нуқтада локал (δ,ψ)-регуляр бўлиши учун унинг z^0 нуқтада локал $(\delta,0)$-регуляр бўлиши зарур ва етарли.*

Теорема 2.2. Айтайлик $\psi(z)\in C(K)$ *бўлсин. Агар K глобал (δ,ψ)-регуляр бўлса яъни ҳар қандай $z^0\in K$ нуқтада (δ,ψ)-регуляр бўлса, у ҳолда $V^*\left(z,K,\delta,\psi\right)=V\left(z,K,\delta,\psi\right)$ ва $V^*\left(z,K,\delta,\psi\right)$ функция $\mathbb{C}^n$ фазода узлуксиз бўлади.*

Шуни таъкидлаш жоизки, умумий ҳолда $V\left(z,K,\delta,\psi\right)$ ва вазн функцияси K тўпламда барча δ лар учун устма-уст тушиши шарт эмас. Ҳаттоки баъзи $\delta>0$ лар учун $V\left(z,K,\delta,\psi\right)\Big|_K\equiv\psi(z)$, бошқа $\delta>0$ лар учун эса тенглик ўринли бўлмаслиги мумкин. Бошқача айтганда (2.2) шарт шундай $\delta>0$ лар учун бажарилмаслиги мумкин.

Мисол 2.1. *Айтайлик* $K = \overline{B}(0,1)$ *ва* $\psi(z) = \left|z\right|^2$ *бўлсин. У ҳолда* $0 < \delta \le 2$ *учун исботлаш мумкинки*

$$V\left(z,K,\delta,\psi\right) = \begin{cases} \left|z\right|^2, & \left|z\right| \le \sqrt{\dfrac{\delta}{2}}, \\ \delta\ln\left|z\right| + \dfrac{\delta}{2} - \dfrac{\delta}{2}\ln\left|\dfrac{\delta}{2}\right|, & \left|z\right| > \sqrt{\dfrac{\delta}{2}}. \end{cases}$$

Кўриниб турибдики $V\left(z,K,\delta,\psi\right) = \left|z\right|^2$, $\forall z \in \left\{\left|z\right| \le \sqrt{\dfrac{\delta}{2}}\right\}$ ва $V\left(z,K,\delta,\psi\right) < \left|z\right|^2$, $\forall z \in \left\{\sqrt{\dfrac{\delta}{2}} < \left|z\right| \le 1\right\}$. $\delta > 2$ бўлганда эса

$$V\left(z,K,\delta,\psi\right) = \begin{cases} \left|z\right|^2, & \left|z\right| \le 1, \\ \delta\ln\left|z\right| + 1, & \left|z\right| > 1. \end{cases}$$

Шундай қилиб, $\delta \ge 2$ бўлганда $V\left(z,K,\delta,\psi\right) = \psi\left(z\right)$ $\forall z \in K$, $\delta < 2$ бўлганда эса $V\left(z,K,\delta,\psi\right)$ Грин функцияси K тўпламда $\psi\left(z\right)$ вазн функция билан устма-уст тушмайди.

$\Lambda\left(K,\psi\right)$ **тўплам.** $\Lambda = \Lambda\left(K,\psi\right)$ билан (2.2) тенглик бажариладиган δ лар тўпламини белгилаймиз, яъни

$$\Lambda = \Lambda\left(K,\psi\right) = \left\{\delta > 0 : V\left(z,K,\delta,\psi\right)_K \equiv \psi(z)\right\}.$$

Алан мисолида $\Lambda = \left[2,+\infty\right)$. Ростдан ҳам

$$V\left(z,K,2,\psi\right) = \begin{cases} \left|z\right|^2, & \left|z\right| \le 1, \\ 2\ln\left|z\right| + 1, & \left|z\right| > 1, \end{cases}$$

ва $V\left(z,K,2,\psi\right)\Big|_K \equiv \psi(z)$. 2.1 бўлимдаги 1) хоссага кўра барча $\delta \in \left[2,+\infty\right)$ учун $V\left(z,K,\delta,\psi\right) \ge V\left(z,K,2,\psi\right)$ ва $\delta \ge 2$ учун $V\left(z,K,\delta,\psi\right) = \psi(z)$ $\forall z \in K$. Агар $\delta \in \left(0,2\right)$ бўлса, у ҳолда шундай $z^0 \in K$ нуқта мавжудки $V\left(z^0,K,\delta,\psi\right) < \psi\left(z^0\right)$, яъни $\left(0,2\right) \cap \Lambda = \varnothing$.

Λ тўплами бўш тўплам бўлиши мумкин. Масалан, $K = \left\{\left|z\right| \le 1\right\} \subset \mathbb{C}$ ва $\psi(z) = 1 - \left|z\right|^2$ бўлганда, 3) хоссага кўра

$$V\left(z,K,\delta,\psi\right) = V\left(z,K,\delta\right) = \delta \cdot V\left(z,K\right) = \delta \cdot \ln^+\left|z\right|.$$

Шунинг учун ҳар қандай $\delta > 0$ лар учун $V\left(z,K,\delta,\psi\right) < \psi(z)$, $\forall\left|z\right| < 1$, яъни, бу ҳолда $\Lambda = \varnothing$.

$\Lambda = (0,+\infty)$ бўлиши ҳам мумкин. Масалан, $\psi(z) \equiv c$ бўлганда, бу ерда

c – ўзгармас сон,

$$V\left(z,K,\delta,c\right)=c+V\left(z,K,\delta\right)=c+\delta\cdot V\left(z,K\right).$$

$V\left(z,K\right)\geq 0$ бўлганлиги учун ихтиёрий $\delta>0$ ва $z\in K$ учун $V\left(z,K,\delta,c\right)=c$. Бу эса $\Lambda=(0,+\infty)$ эканлигини англатади.

Айтайлик $\Lambda\neq\varnothing$ бўлсин. Агар $\delta\in\Lambda$ бўлса, у ҳолда барча $\delta_1>\delta$ лар учун 1) хоссадан осонгина $\delta_1\in\Lambda$ эканлиги келиб чиқади. Бошқа томондан эса, қуйидаги тасдиқ ўринлидир.

Тасдиқ 2.1. Агар $j\to\infty$ *да* $\delta_j\in\Lambda,\forall j\in\mathbb{N}$ *и* $\delta_j\downarrow\delta_0\not\asymp 0$ *бўлса, у ҳолда* $\delta_0\in\Lambda$.

(δ,ψ)**-регулярлик.** Биз $\Lambda\left(K,\psi\right)$ тўпламни $V\left(z,K,\delta,\psi\right)=\psi(z)$, $z\in K$, $\delta\in\Lambda\left(K,\psi\right)$ шарт бажарилиши учун киритдик.

Таъриф 2.3. Айтайлик $\delta\in\Lambda\left(K,\psi\right)$ бўлсин. Агар $V^*\left(z^0,K,\delta,\psi\right)=\psi\left(z^0\right)$ бўлса, у ҳолда $K\subset\mathbb{C}^n$ компакт $z_0\in K$ нуқтада *глобал* (δ,ψ)*-регуляр* дейилади. Агар ихтиёрий $B\left(z^0,r\right),r>0$ шар учун $V^*\left(z^0,K\cap\overline{B}\left(z^0,r\right),\delta,\psi\right)=\psi\left(z^0\right)$ бўлса, у ҳолда $K\subset\mathbb{C}^n$ компакт $z_0\in K$ нуқтада *локал* (δ,ψ)*-регуляр* дейилади. K компакт ҳар бир нуқтасида глобал (δ,ψ)-регуляр бўлса, у ҳолда K *глобал* (δ,ψ)*-регуляр* компакт дейилади. K компакт ҳар бир нуқтасида локал (δ,ψ)-регуляр бўлса, у ҳолда K *локал* (δ,ψ)*-регуляр* компакт дейилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, глобал ва локал (δ,ψ)-регулярлик фақат $\delta\in\Lambda$ бўлгандагина кирилтиш мумкин. Осонгина тушуниш мумкинки, ҳар қандай локал(δ,ψ)**-регуляр нуқта, глобал** (δ,ψ)-регуляр нуқта ҳам бўлади. $\Lambda_{reg}=\Lambda_{reg}\left(K,\psi\right)$ билан K компакт глобал регуляр бўладиган барча $\delta\subset\Lambda$ ларни белгилаймиз, $\Lambda_{reg}^{loc}=\Lambda_{reg}^{loc}\left(K,\psi\right)$ билан эса K компакт локал регуляр бўладиган барча $\delta\subset\Lambda$ ларни белгилаймиз, равшанки, $\Lambda_{reg}^{loc}\subset\Lambda_{reg}\subset\Lambda$.

Тасдиқ 2.2. *Айтайлик* $\delta_1,\delta_2\in\Lambda$ *ва* $\delta_1\leq\delta_2$ *бўлсин. Агар* z^0 *нуқта* $\left(\delta_2,\psi\right)$*-регуляр нуқта бўлса, у ҳолда у* $\left(\delta_1,\psi\right)$*-регуляр нуқта ҳам бўлади.*

Теорема 2.3. *Айтайлик* $\delta\in\Lambda$ *ва* $\psi(z)$ *функция* K *компактда узлуксиз функция бўлсин.* $z^0\in K\subset\mathbb{C}^n$ *нуқта локал* (δ,ψ)*-регуляр бўлиши учун унинг локал плюрирегуляр нуқта бўлиши зарур ва етарли.*

Натижа 2.1. *Айтайлик* $\delta_1,\delta_2\in\Lambda$ *ва* $\psi(z)$ *функция* K *компактда узлуксиз функция бўлсин.* $z^0\in K\subset\mathbb{C}^n$ *нуқта локал* $\left(\delta_1,\psi\right)$*-регуляр бўлиши учун унинг локал* $\left(\delta_2,\psi\right)$*-регуляр нуқта бўлиши зарур ва етарли.*

Тасдиқ 2.3. Айтайлик, $j \to \infty$ *да* $\delta_j \in \Lambda_{reg}$, $\forall j \in \mathbb{N}$ *ва* $\delta_j \uparrow \delta$ *бўлсин, у ҳолда* $\delta \in \Lambda_{reg}$.

Натижа 2.2. *Агар* $\Lambda = \left[\delta_0, \infty\right)$ *бўлса, у ҳолда* $\Lambda_{reg} = \begin{cases} \text{ёки } \left[\delta_0, \delta_1\right], \\ \text{ёки } \left[\delta_0, \infty\right). \end{cases}$

Агар $\Lambda = \left(0, \infty\right)$ *бўлса, у ҳолда* $\Lambda_{reg} = \begin{cases} \text{ёки } \left(0, \delta_1\right], \\ \text{ёки } \left(0, \infty\right). \end{cases}$

δ-экстремал функциянинг кейинги хоссалари сийрак тўпламлар билан боғлиқ.

Таъриф 2.4. Айтайлик, $E \subset \mathbb{C}^n$ тўплам ва E' – унинг лимит нуқталари тўплами бўлсин. Агар қуйидаги шартлардан бири бажарилганда, яъни, $z^0 \not\in E'$ ёки $z^0 \in E'$ бўлиб, шундай U атроф ва $u(z) \in psh(U)$ функция топилиб, $\overline{\lim\limits_{\substack{z \to z^0 \\ z \in E \setminus \{z^0\}}}} u(z) < u\left(z^0\right)$ бўлса, у ҳолда E тўплам z^0 нуқтада сийрак дейилади.

Сийраклик ва регулярлик. Классик потенциаллар назариясида сийраклик ва регулярлик орасида ажойиб боғланиш бор. Комплекс текисликда ($n = 1$ бўлган ҳол), қуйидаги теорема ўринли.

Теорема 2.4. $z^0 \in K$ *нуқта* $K \subset \mathbb{C}$ *компактнтнг локал иррегуляр нуқтаси бўлиши учун, у* K *компактнинг сийрак нуқтаси бўлиши зарур ва етарли.*

Кўп ўлчовли фазо бўлган ҳолда бу даъвонинг фақат бир томони ўринли, яъни, $z^0 \in K$ нуқтанинг (δ, ψ)-регуляр бўлишининг зарурий шарти бор.

Теорема 2.5. *Айтайлик,* z^0 *нуқта* K *компактнинг сийрак нуқтаси бўлсин. У ҳолда* z^0 *нуқта,* K *компактнинг локал* (δ, ψ)*-иррегуляр нуқтаси бўлади. Бу ерда* $\psi \in C(K)$ *ва* $\delta \in \Lambda$.

Бошқача айтганда, $z^0 \in K$, $V^*\left(z^0, K, \delta, \psi\right) = \psi\left(z^0\right)$, *бўлиши учун* z^0 *нуқта* K *компактнинг сийрак нуқтаси бўлмаслиги керак.*

Қуйидаги мисолда кўринадики, $n > 1$ бўлганда теорема 2.5. иккинчи томонга умуман айтганда ўринли эмас.

Мисол 2.4. *Айтайлик,* $(\delta, \psi) = (1, 0)$ *ва*

$K = \left\{\left(z_1, z_2\right) \in \mathbb{C}^2 : \left|z\right| \le 1\right\} \cup \left\{\left(z_1, z_2\right) \in \mathbb{C}^2 : z_2 = 0,\ \left|z_1\right| \le 2\right\}$ *бўлсин.*

Бу ерда K компакт $\mathbb{C}^2$ фазодаги бирлик шар ва плюриполяр тўпламнинг бирлашмасидан иборат. Шундай экан

$$V(z,K)=\begin{cases}\ln^+|z|, & z_2\neq 0\\ \ln^+\left|\dfrac{z_1}{2}\right|, & z_2=0.\end{cases}$$

ва $V^*\left(z,K\right)=\ln^+|z|$.

$(2,0)\in K$ – иррегуляр нуқта, чунки, $V^*\left((2,0),K\right)=\ln 2>0$. Бироқ, бу нуқта мисол 2.2. га кўра сийрак нуқта эмас .

Учинчи боб «$m-$**субгармоник функциялар синфида вазнли Грин функцияси**» деб номланади ва уч параграфдан иборат. $m-$ **субгармоник** $\left(sh_m\right)$ функциялар синфини $1\le m<n$ ҳол учун ўрганиш плюрисубгармоник (psh) функциялар синфини $\left(m=n\right)$ ўрганишдан бир қанча фарқ қилади. Айниқса, Грин функциясининг хоссаларида ва компактларнинг регулярлигини таҳлил қилганда бу фарқлар яққол кўринади. Гап шундаки, Грин функциясини таърифлашда ушбу $\left(dd^c\omega(z)\right)^m\wedge\left(dd^c|z|^2\right)^{n-m}$ операторнинг фундаментал ечими асосий аҳамиятга эга. $m=n$ бўлган ҳолда (плюрисубгармоник функция ҳолида) ечим $\omega(z)=const\cdot\ln|z|$ кўринишда бўлади ва $z\to\infty$ да у ҳам $+\infty$ га интилади, $1\le m<n$ ҳолда эса фундаментал ечим $\omega_m(z)=-\dfrac{const}{|z|^{2\left(n/m-1\right)}}$, $\left(dd^c\omega_m\right)^m\wedge\left(dd^c|z|^2\right)^{n-m}=\delta_0$ кўринишда ифодаланади, бунда эса δ_0 – Дирак мераси бўлиб, у чегараланмагандир.

Таҳлил шуни кўрсатадики, $1\le m<n$ бўлган ҳолда Грин функциясини ўрганиш ўзгача ёндашув ва ўзгача усулларни талаб этади. Диссертациянинг ушбу боби вазнли Грин функциясининг хоссаларига ва $\mathbb{C}^n$ да компактларнинг $m-$регулярлиги ҳақидаги саволларга бағишланган. 2 Бобда плюрисубгармоник функциялар синфи ($m=n$ бўлган ҳол) қаралган, Бу бобда $1\le m<n$ бўлган ҳол учун $m-$субгармоник функциялар синфини қараймиз.

Лелон синфи. $1\le m<n$ ҳол учун Лелон синфини қуйидагича аниқлаш қулайдир:

$$\mathcal{L}_m=\left\{u(z)\in sh_m\left(\mathbb{C}^n\right):\ \ u(z)\le 1\right\}.$$

У ҳолда $K_m(z)=-\dfrac{1}{|z|^{2\left(n/m-1\right)}}+1\in\mathcal{L}_m$ муносабат бажарилади ва

$$\left(dd^cK_m\right)^m\wedge\left(dd^c|z|^2\right)^{n-m}=0,\ z\in\mathbb{C}^n\setminus\left\{0\right\}$$

ўринли бўлади.

Натижада, $K_m(z)$ функция да $\mathbb{C}^n\setminus\left\{0\right\}$ максимал $m-$субгармоник функция бўлади. Кейинчалик $K_m(z)$ функцияси Грин синфини ўрганишда кўп қўлланилади. Эсладиб ўтамизки, $m=n$ бўлган ҳолда $sh_m = psh$ бўлади ва $\mathcal{L}_m$ синфи тривиал бўлади, $\mathcal{L}_m = \left\{const\right\}$.

sh_m синфда ёки $m - wsh$ синфда $m-$Грин функциясини ўрганишда қуйидаги теорема катта аҳамиятга эга.

Теорема 3.1. *Агар $E \subset \mathbb{C}^n$ тўплам $m-$поляр ёки $mw-$поляр бўлса, у ҳолда у $\mathcal{L}_m$ $-$ поляр ёки $\mathcal{L}_{mw}$ $-$ поляр бўлади. Бошқача қилиб айтганда, бирор $u(z) \in sh_m\left(\mathbb{C}^n\right)$ функция учун $u(z) \not\equiv -\infty$, $u\big|_E = -\infty$ бажарилса, у ҳолда шундай $w(z) \in \mathcal{L}_m$ топиладики, $w(z) \not\equiv -\infty$, $w\big|_E = -\infty$ ўринли бўлади. Агар $u(z) \in m - wsh\left(\mathbb{C}^n\right)$ топилиб, $u(z) \not\equiv -\infty$, $u\big|_E = -\infty$ бажарилса, у ҳолда шундай $w(z) \in \mathcal{L}_{mw}$ топиладики, $w(z) \not\equiv -\infty$, $w\big|_E = -\infty$ ўринли бўлади. Бунда $\mathcal{L}_{mw} = \left\{u(z) \in m - wsh\left(\mathbb{C}^n\right):\ \ u(z) \le 1\right\}$.*

Вазнли Грин функцияси. $E \subset \mathbb{C}^n$ тўпламни фиксирлаймиз ва E да чегараланган $\psi(z)$ фунцйияни қараймиз. Грина функцияси $\mathcal{L}_m = \left\{u(z) \in sh_m\left(\mathbb{C}^n\right):\ \ u(z) \le 1\right\}$ Лелон синфи орқали аниқлангани учун, 1 дан ошмайдигин функцияни қарашимиз зарур. Шу сабабли $\psi(z) < 1$ деб оламиз.

Қуйидаги синфни қарайлик:

$$\mathcal{L}_m\left(E,\psi\right) := \left\{u(z) \in \mathcal{L}_m,\, u(z)\big|_E \le \psi(z)\right\}.$$

Юқоридаги синф орқали ушбу

$$V_m\left(z,E,\psi\right) := \sup\left\{u(z) : u(z) \in \mathcal{L}_m\left(E,\psi\right)\right\},\ z \in \mathbb{C}^n$$

функцияни тузиб оламиз.

У ҳолда регуляризацияланган $V_m^*\left(z,E,\psi\right) = \overline{\lim_{w\to z}} V_m\left(w,E,\psi\right)$ функция K компактнинг $\psi(z)$ вазн функцияга нисбатан *вазнли $m-$ Грин функцияси* дейилади.

Қуйида вазнли $m-$Грин функциясининг исботлаш қийин бўлмаган бир қанча хоссаларини келтириб ўтамиз:

1) $V_m^*\left(z,E,\psi\right) \in \mathcal{L}_m$ *функция максимал бўлади, яъни*

